

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*60111800 - Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари*

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат педагогика университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 04 даги 4 - сонли йигилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруги билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабини расмий чоп этиш хукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилдири.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>60111800-Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи	5
1.1.	Кўлланиш соҳаси	5
1.1.1.	<i>60111800-Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)</i> бакалавриат таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши.....	5
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	5
1.2.	<i>60111800-Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)</i> бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	5
1.2.1.	<i>60111800-Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)</i> бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолияттининг соҳалари.....	6
1.2.2.	<i>60111800-Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)</i> бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	6
1.2.3.	<i>60111800-Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)</i> бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	6
1.2.4.	<i>60111800-Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)</i> бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	6
2.	<i>60111800-Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)</i> бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар.....	9
2.1.	Умумий компетенциялар.....	9
2.2.	Касбий компетенциялар.....	9
	Библиографик маълумотлар.....	10
	Келишув вараги	

1. 60111800-Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60111800-Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Кўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60111800-Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши.

Малака талаби **60111800-Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмунини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул хамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошкарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюргомачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўкишга кираётган абитуриентлар, уларнинг отаоналари ва бошқа манбаатдор шахслар.

1.2. 60111800-Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

Чет тил ўқитувчиси мутахассислигини олган битирувчи ўқитилаётган чет тил хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, ўкувчиларга таълим бериш ва тарбиялаш учун тайёр бўлиши лозим; ижтимоий ҳаётга мослашув, шахснинг умумий маданиятигини шакллантириш, касбий таълим дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик танланган касбни згаллаш, таълим олувчиларнинг тайёргарлик даражасини давлат таълим стандартларига мос даражада таъминлаш; Узбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги конун, “Бола ҳукуки” тўғрисидаги конвенцияларда кўзда тутилган ўкувчиларнинг ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш зарурлигини англаш, ўзининг касбий тайёргарлик даражасини мунтазам ошириб бориши, методик уюшмаларда иштирок этиши ва бошқа шаклдаги методик ишларда катнашиш, ота-оналар (ёки уларнинг васийлари) билан мунтазам алоқада бўлиш, меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиги ва ёнгинга қарши ҳимоя тартиб қондларига амал қилиш, таълим жараёнинда ўкувчиларнинг ҳаёти, соғлиги ва ҳавфсизлигини таъминлаш.

1.2.1. 60111800-Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60111800-Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) бакалавриат таълим йўналиши - умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар; умумтаълим, кўп тармоқли ихтисослаштирилган ҳамда қўшма типдаги мактабгача таълим ташкилотлари; Соғлиқни

саклани вазирлиги тасарруфидаги муассасалар, умумтаълим ва давлат ташкилотлари; ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасалари;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида хамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шугулланиш;

оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошка давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.

1.2.2. 60111800-Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- таълим жараёни; ўқитишининг педагогик технологиялари ва методлари;
- таълимнинг назарий масалалари; ўқитиши методикаси;
- лойиҳалаштириш асосида ўкув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машгулотларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;
- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари, маънавий-маърифий тарғибот ишлари;

1.2.3. 60111800-Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- педагогик;
- илмий-тадқиқот;
- маънавий-маърифий;
- ташкилий-бошқарув;

1.2.4. 60111800-Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) таълим йўналиши бўйича бакалаврларниң касбий вазифалари.

Педагогик фаолиятида:

- таълим дастурига мувофиқ ўкувчига чет тил ўқитиши таълим жараёнини амалга ошириш;
- таълим мазмунини белгилаш тамоиллари ва мезонларига риоя этиш, ўкув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни хисобга олиш, ўкув материалларини моделлаштириш;
- яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамоилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғуллигига эришиш;
- чет тилдан ўкув машгулотларини мавзу хусусиятлари ва дастур бўлимларини эътиборга олган ҳолда ва ўкув режаларига мувофик тарзда режалаштириш ва олиб бориш;
- таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (максад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алокадорлиги ва умумийлигини хисобга олиш;
- таълим-тарбия жараёнини ташкил этишининг асосий ва ёрдамчи шаклларидан унумли фойдаланиш; ўкувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;
- чет тилни ўқитишида замонавий ва илмий исботланган усул, метод, воситалар, шунингдек, таълим беришнинг техник воситалари, ахборот ва компьютер технологиялардан фойдаланиш;
- таълим натижаларини баҳолашда замонавий воситаларни кўллаш;
- ўкувчиларга маънавий-маърифий, одоб-ахлоқ кадриятларини сингдириш ва ватанипарварлик туйгусини шакллантириш;
- таълим жарёнида шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш ва

талабаларнинг таълимга мотивациясини уйғотиш;

- ўкувчининг ривожланишидаги нұқсанларни тузатишга қаратилган ҳолда таълим ва тарбия ишини олиб бориш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишлари даги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

- интернет тармоғида энг янги илмий ютуклар ҳакидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- педагогик малакасини ошириш мақсадида ўзини-ўзи таҳлил килиш ва ўзини-ўзи баҳолаш;

- таълим йўналишлари даги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет зл илмий-тадқиқот ютукларини ўрганиш;

- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимили таҳлил қилиш;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбик этиш.

Маънавий-маърифий фаолиятида:

- ўкувчиларнинг ижтимоий ҳаётга мослашуви жараёнида уларга ёрдам бериш; касбга йўналтириш ишини олиб бориш;

- ўкувчиларнинг ота-оналари билан алоқа ўрнатиш, ўкувчиларнинг оиласидаги тарбиясида, маданий-маърифий соҳада ва умуммаданий қадриятларни шаклланишида зарур кўмак бериш;

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўкувчилар онгига миллый истикколн гоясини сингдириш;

- ўкувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни шакллантириш метод ва технологияларини билиш;

- боланинг ривожланишида қандай оғир нұқсонга эга бўлишидан қатъи назар қобилияти ва истаклари бўйича сифатли таълим олиш имкониятига эга тенг ҳукуқли фуқаро сифатида қабул қилиш;

- глобаллашув шароитида кечеётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳакида тушунтириш ишларини олиб бориш;

- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича сухбат ўтказиш;

- миллый урф-одат ва маросимларни ўтказишида, умуминсоний қадриятлар, меҳр муруват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садокат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- ўкувчиларнинг соглигини мустақкамлаш ва саклаш мақсадида таълим жарэёнини оқилона амалга ошириш;

- таълим жараёнида ўкувчиларнинг ҳаёт хавфсизлиги ва соглигини саклаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизmlарини ишлаб чиқиш;

- атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри карор қабул қилиш;

- фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш;

- ўкувчиларнинг мустақил иш ва дарсдан ташқари фаолиятини ташкил этиш;

- мактаб ва синф хужжатларини юритиш;

- синф раҳбари вазифаларини бажариш;
- жамоанинг ўзини-ўзи бошқариш ва бевосита бошқаришда иштирок этиш.

2. 60111800-Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Битириувчи қўйидаги умуммаданий компетенцияларга эга бўлиши лозим:

- Шахсий ўсишга интилишни шакллантириш ва объектив баҳолаш, шунингдек, таълим олувчиларнинг интеллектуал ривожланиш даражасини ошириш қўникмаларига қобилиятлилик.
- Ижтимоий ва касбий вазифаларни ҳал этишда ижтимоий, гуманитар ва иқтисодий фанларнинг асосий қондалари ва методларидан фойдаланишга қобилиятлилик.
- Инглиз ва ўзбек тилларида ўз фикрларини тизимли ва эркин баён этиш, илмий-оммабоп матнлар билан ишлаш, оммавий нутқ сўзлаш учун инглиз ва ўзбек тилларида ёзма ва оғзаки нутқ қўникмаларини эгаллаганлик.
- Мулокотга киришиш ва маҳсус матнларни тушуниш учун чет тиллардаги билимлардан фойдаланиш.
- Ахборотни олиш, саклаш ва қайта ишлаш метод, усул ва воситаларидан фойдаланиш; глобал компьютер тармоклар билан ишлаш ко‘никмаларига эвалик.
- Ижтимоий ўзаро ҳаракатга киришишда таълим иштирокчиларининг этномаданий ўзига хосликларини ҳисобга олиш.
- Ахлоқий меёrlар ва маънавий маданиятни ўзлаштириш.
- Илмий тадқиқотларни ташкил этиш, илмий билиш ютуқларига эришиш тамойилларини англаш;
- Гигиена, меҳнат муҳофазаси ва ташки таъсиirlардан хикоя қилиш қондалари талабларига мувофиқ, соглом турмуш тарзи қўникмаларини шакллантиришга қобилиятлилик.

2.2. Касбий компетенциялар

- Ўкув-тарбия жараёнини моделлаштириш ва уни таълим амалиётiga татбиқ этиш;
- Турли ёш давларида инсоннинг хулк-автори ва фаолиятини бошқаришнинг ўзига хосликлари, психик ва психофизиологик ривожланишнинг маҳсус қонуниятлари ҳамда индивидуал ўзига хосликларини ҳисобга олиш воситаларидан фойдаланиш қобилиятiga эвалик;
- Психологик ва педагогик тадқиқотларнинг миқдор ва сифат методларини эгаллаганлик.
- Турли ёш гурухидаги болаларнинг ривожланиши, мулокоти, фаолиятини ташхис этиш методларидан фойдаланиш қобилиятiga эвалик;
- Ўқитиш, тарбия, ривожланишнинг турли назарияларига доир билиmlar, таълимнинг турли босқичларида ўқитиш дастурларидан фойдаланиш қобилият;
- Болаларнинг хилма-хил фаолиятини ташкил этиш усулларини эгаллаганлик;
- Таълим жараёни субъектларининг биргаликдаги ҳамкорликдаги фаолияти ва шахслараро ўзаро ҳаракатини ташкил тиши усулларини эгаллаганлик;
- Педагоглик касбининг юксак ижтимоий аҳамият касб этишини тушуниш, касбий этика тамойилларига риоя қилиш;
- Жамиятнинг ижтимоий-маданий тузилмасининг ўзига хосликлари, шунингдек, миллӣ тарбиянинг қонуният ва тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, қўпмаданиятлилик мухитида касбий фаолиятини ташкил этиш усулларини эгаллаш;
- Касбий вазифаларни ҳал этишда фанлараро ва ваколатли тузилмаларнинг биргаликдаги фаолиятида иштирок этишга қобилиятлилик;
- Касбий фаолиятда бола хукуқлари тўгрисидаги асосий ҳалқаро ва миллӣ меёрий-хукукий хужжатлардан фойдаланиш қобилият;

- Танқидий фикрләш методикасини ўзлаштирганлик;
- Таълим олувчиларга ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига мослашувчанликка доир компетенцияларни ривожлантиришга ёрдам берадиган ва фаол фукаролик позитсиясини шакллантиришга имкон берадиган натижавийлик ва мобилликка йўналтирилган ўқитишга қобилиятлилик.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таяинч сўзлар:

Давлат таълим стандарти, малака талаблари, касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўкув режа ва фан дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриатнинг ўкув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустакил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битириув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўкув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқикот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАГИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкет давлат педагогика університети

Ректор  А.Ю.Умаров

2021 йил « ____ »



КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириши талқиқотлари ва илғор
технологияларин татбик этиши маркази

Директор в.б.  М.Эсанов

2021 йил « ____ »
М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги

 Бозор Уринбоеев

2021 йил « ____ »



Республика таълим маркази
директори

Директор  Ш.Саттаров

2021 йил « ____ »
М.Ў.